

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2018 йил
7 июль

ШАНБА

№ 54 (13107)

www.thtp.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ХОРИЖИЙ ФУҚАРОЛАРНИНГ КИРИШИ ТАРТИБИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ ҳозирги вақтда республикага хорижий фуқароларнинг кириши учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини оптималлаштиришга, миллий иқтисодийнинг муҳим тармоқларидан бирига кириш туризмининг трансформация қилиш, маданий-тарихий меросни, табиий бойликлар ва анъаналарни, шунингдек, республиканинг туризм имкониятлари ва салоҳиятини кенг тарғиб қилишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хорижий фуқароларнинг республикага кириши тартибини янада такомиллаштириш электрон кириш визасини расмийлаштириш ва бериш бўйича интерактив хизматларни, шунингдек, бир қатор хорижий мамлакатлар фуқаролари учун Ўзбекистон Республикасига визасиз қисқа муддатли кириш ва 16 ёшга тўлмаган хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасига визасиз кириш тартибини жорий қилиш йўли билан хорижий фуқароларнинг кириш визасини олиш жараёниларини соддалаштириш заруратини таъқозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5326-сонли Фармони билан 3-банди талаблари амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки,

2018 йил 15 июлдан бошлаб:

хорижий фуқароларнинг кириш визасини расмийлаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ва консулхоналари, консуллик идораларига мажбурий мурожаат этишларини бекор қилиш; хорижий фуқароларнинг кириш визасини олиш учун мурожаатини қўриб чиқиш муддатларини қисқартириш; республикага кириш учун рухсат берувчи ҳужжатни расмийлаштиришда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

электрон кириш визаларининг ягона маълумотлар базасини шакллантириш орқали электрон кириш визасини расмийлаштиришнинг марказлаштирилган тизимини яратишни назарда тутувчи электрон кириш визаларини расмийлаштириш ва бериш тизими (кейинги ўринларда "E-VISA.UZ" тизими деб аталади) жорий этилади.

2. Ўзбекистон Республикасининг электрон визаси тўғрисидаги низоми 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича "E-VISA.UZ" тизими жорий қилинишини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратилиши таъминлансин.

Давоми 2-бетда ➡

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Таъкидлансинки, ташқи меҳнат миграцияси жараёниларини тартибга солиш, хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун фуқароларни ташкиллаштирилган тарзда йиғиш юзасидан халқаро шартномалар тузиш, уларнинг республика ташқарисидан иш жойларига хавфсиз тарзда етиб боришини таъминлаш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларга қарамасдан, ноқонуний меҳнат миграциясининг катта оқими ҳалигача сақланиб қолмоқда.

Фуқароларни хорижда ташкиллаштирилган тарзда ишга жойлаштириш, шунингдек, меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларнинг бандлигини таъминлаш кўрсаткичлари паст даражада қолиши давом этмоқда.

Ташқи меҳнат миграцияси тизимини янада такомиллаштириш, унинг ташкилий шакллари тубдан кенгайтириш, меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисига кетаётган фуқароларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, хориждан қайтиб келган меҳнат мигрантларини тадбиркорлик ва меҳнат фаолиятига жалб этишни кенгайтириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:


1. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1

Давоми 2-бетда ➡

Сўнгги йилларда юртимизда бошланган кўламли ислохотлар даври жамиятимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби олий таълим тизимида ҳам ижобий ўзгаришлар, имкониятлар яратмоқда.

Олий таълим:

ИМТИЁЗ, САМАРА, МУВАФФАҚИЯТ



Хусусан, эндиликда халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари ва мусобақалари ғолиблари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунари таълими маркази таъсис этилган махсус гувоҳномани олганлар Давлат комиссиясининг қарори билан тегишли олий таълим муассасаларининг мос йўналишларига танловдан ташқари тест синовларисиз ва касбий (ижодий) имтихонларсиз, давлат грантлари асосида қабул қилинади. Шунингдек, Зулфия, "Мард ўғлон" Давлат мукофотлари соҳиблари, "Тарбиячи", "Ҳамшира" республика кўрик-танловлари ғолиблари, "Ниҳол" мукофоти совриндорлари вазирликлар, идоралар ва жамғармалар тақдирномаларига мувофиқ, Давлат комиссиясининг қарори билан шундай имтиёзга эга бўлишлари ёшларимиз томонидан хурсандчилик билан кутиб олинди.

Ахамиятли жиҳати шундаки, 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб Қуролли Кучлар таркибига кирувчи вазирлик ва идораларнинг хизматдаги офицерлари, шартнома бўйича хизмат қилаётган сержантлар ва оддий аскарлар таркиби фарзандлари, ҳарбий хизматни ўташда ҳалок бўлган, шунингдек, ҳарбий хизматни ўташда ярадор бўлган, контузия, шикаст олиш натижасида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари олий таълим муассасаларининг бакалаврият босқичига давлат гранти асосида танловсиз қабул қилинади.

Шунингдек, 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонидан ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча равишда 2 фоизли квота ажратилишини юртимизда жамиятнинг ҳар бир аъзоси давлат эътиборида эканлигининг ёрқин намунаси, дейиш мумкин.

Давоми 2-бетда ➡

Бу ҳақда вилоят "Ҳокимлик соати"да гапирилган эди...

Ҳозир серқуёш дёйримизда айни пишиқчилик палласи. Бозорларимиз табиат ноз-неъматлари билан лим-лим. "Бор жойда бол арзон", деганларидек, нарх-наво ҳам шунга яраша, албатта. Шундай кезларда кўнгиллардан бугунги обод турмуш, фаровонлиқ шукронаси кечиши табиий. Буларнинг барчаси, турмушимиздаги фойда, кут-барака нишонларидир. Қолаверса, мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини ошириш, турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган ислохотларнинг ҳаётий самаралари ана шу сероблик ва мўл-қўлликда яққол акс этмоқда.

ГАПНИ ЭМАС, ЭКИНИ ТАҚРОР ҚИЛАЙЛИК

Дарҳақиқат, бозорларимизда бугун рўзгор учун кундалик зарур маҳсулотлар, айтилиқ, картошка, пиез ва бошқа сабзавотлар, полиз экинлари нархи бу йил ҳар қачонгидан ҳам арзонлиги рост. Лекин, бу серобчилик кўп жиҳатдан мавсум билан боғлиқ.

Ҳўш, эртага нима бўлади? Бугун мўллигидан сув текин бўлиб ётган маҳсулотларни эртага, куз-киш мавсумида саккиз, ўн баробар қимматга харид қилмаймизми? Бу саволларга ижобий жавоб олиш ҳар жиҳатдан бугунги сай-ҳаракатимизга боғлиқлигини, ўйлаймизки, деҳқонга ҳам, соҳанинг бошида турган мутасаддиларга ҳам ортқича изохлаб ўтириш шарт бўлмас керак.

Бу жараёнда, айниса, фермерликни ривожлантиришга доир дастурлар, аниқ манзилли сай-ҳаракатлар бекиёс ўрин тутаётир. Натижада, ер эгаларининг фаолият қамрови кенгайиб, уларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлашдаги иш-тироқи ортиб бормоқда. Аксарият мулкдорлар ўз фаолиятининг янгида-янги қирраларини шакллантириб, "кўп тармоқли хўжалик", деган мақомга кўтарилаяпти.

Ислохотлар самараси вилоятимиз фермерлари фаолиятида ҳам ўз ифодасини топаётир. Кейинги йилларда уларнинг мева-сабзавот, полиз экинлари етиштириш, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчилик маҳсулотлари тайёрлаш имкониятлари бекиёс кенгайди. Бир мавсумда, уч-тўрт мартабала ҳосил олиш, маҳсулотни қиш-баҳорга қадар сифатли ва бус-бутун сақлаш, шунингдек, уларни қайта ишлаш борасида ҳам катта тажриба тўпланди.

Давоми 3-бетда ➡

НАФИС ЛИБОСЛАРНИ НОЗИК ҚЎЛЛАР ЯРАТАДИ



Одамлар қаерда бўлмасин, ҳатто, энг чекка ҳудудларда ҳам бахтли ва фаровон турмуш кечиришга ҳақли. Шу тамойил асосида бугун шаҳарлардан тортиб, қишлоқларнинг меъморий қиёфасини тубдан ўзгартириш, одамларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш, шу тариқа, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда турмуш маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу борада Президентимизнинг "Обод қишлоқ" дастури тўғрисида"ги Фармони муҳим ва ҳаётбахш дастуриламал бўлмоқда.

Куйи Чирчиқ туманидаги Абай номи маҳалла фуқаролар йиғини жорий йилда "Обод қишлоқ" дастурига қиритилганидан хабардорсиз. Дастур доирасида бу ерда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Эзгу сай-ҳаракатлар ўз натижасини бера бошлади. Хусусан, куни кеча "Кушек" массивида янги тикув цехи фаолияти йўлга қўйилди. Бу ҳудуд аҳолиси учун чинакам янгилик бўлди, десак адашмаган бўламиз. Чунки, шу вақтгача қишлоқда бирорта ишлаб чиқариш тузилмаси мавжуд эмасди.

"Cate golden" хусусий корхонасига қарашли "Nafis liboslar" тикув цехининг очилиш маросимида туман ҳокимлиги ва бошқа бир қатор ташкилот мутасаддилари, маҳалла раислари ишлар амалга оширилмоқда. Эзгу сай-ҳаракатлар ўз натижасини бера бошлади. Хусусан, куни кеча "Кушек" массивида янги тикув цехи фаолияти йўлга қўйилди. Бу ҳудуд аҳолиси учун чинакам янгилик бўлди, десак адашмаган бўламиз. Чунки, шу вақтгача қишлоқда бирорта ишлаб чиқариш тузилмаси мавжуд эмасди.

Мазкур цехда, асосан, эркаклар, аёллар ва болалар учун кийим-кечаклар тикилади. Ҳозирда бу ерда 50 нафар ишчи меҳнат қилапти. Улар-

нинг деярли барчаси маҳаллий чевар хотин-қизлардир. Бундан ташқари, ишчиларнинг 10 нафари ногиронлиги бўлган шахслар экани эътиборга молик. Корхонадаги чеварлар чехрасида ҳаётдан бахтиёрлик ва мамнуний хиссини сезиш қийин эмас.

Корхона чеварларидан бири Шўлпон Манбеталиевани суҳбатга тортамиз.

— Маҳалламизда тикувчиликдан хабари бор аёллар ҳам кўпчилик экан, қаранг, — дейди у. — Бироқ, уларга ўз имкониятларини ишга солишлари учун шароит йўқ эди-да. Шу босис, қишлоғимизда янги корхонанинг очилиши бизни бениҳоя қувонтириб юборди. Кўп йиллардан бери бирор жойда ишлаб, оиламиз фаровонлигига ёрдамлаштириш ният қилардик. Бугун ана шу орзуимиз

ушалди. Иш жойимиз уйимизга яқинлиги жуда қўлай бўлди.

Корхонанинг иш унумдорлигини ошириш ва сифатли маҳсулот тайёрлаш мақсадида Жанубий Кореядан 40 та замонавий тикув машинаси келтирилган.

— Биз, тадбиркорларга кенг имконият ва имтиёзлар яратиш беришмоқда, — дейди корхона раҳбари Юсуф Аманқулов. — Келажакда ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтириб бора-миз. Ниятимиз, қисқа фурсатда 2 миллион долларга яқин маҳсулотни экспорт қилишдир.

Айни кунларда тикув цехида иш қизиб. Ишчиларнинг қўли қўлга тегмайди. Сабаби, "Куйи Чирчиқ пахта тозалаш" заводидан 50 минг донга етак ҳамда 2 мингта махсус иш кийими учун буюртма олинган.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Равшан МИРЗАҚУЛОВ
олган сурат

Давоми 2-бетда ➡

«ЧОРТОҚ»ДА ИШЛАР ЧАТОҚМИ?



Тошкент вилоятининг айрим қишлоқларида оддий кундалик турмуш учун зарур бўлган электр энергияси, газ, ичимлик суви, йўл билан боғлиқ муаммолар бор. Президентимиз ташаббуси билан "Обод қишлоқ" дастури ҳаётта тадбиқ этилаётгани жойларда шу каби муаммоларни ҳал этишда муҳим омил бўлмоқда.

«Обод қишлоқ» дастури — амалда

Юртдошларимизнинг бугунги кунидан рози бўлиб яшашини таъминлашдек олижаноб мақсадга хизмат қилаётган ушбу дастур ижроси доирасида вилоятимиз қишлоқларида ҳам улкан бунёдкорлик, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Вилоят "Обод қишлоқ" штабидан маълум қилишларича, ҳозирги кунга қадар

қишлоқда қарийб 243 миллиард сўмлик қурилиш-ободонлаштириш ишларини амалга ошириш бўйича "йўл харитаси" ишлаб чиқилган эди, — дейди вилоят "Обод қишлоқ" штаби раҳбари М. Ботиров. — Вилоят ҳокими ташаббуси билан дастурга ҳар бир тумандан яна биттадан, жами 15 қишлоқ киритилди ва ушбу қишлоқларни

дастурда режалаштирилган вазифаларнинг қарийб 50 фоизи бажарилган.

— Дастлаб 30 қишлоқда қарийб 243 миллиард сўмлик қурилиш-ободонлаштириш ишларини амалга ошириш бўйича "йўл харитаси" ишлаб чиқилган эди, — дейди вилоят "Обод қишлоқ" штаби раҳбари М. Ботиров. — Вилоят ҳокими ташаббуси билан дастурга ҳар бир тумандан яна биттадан, жами 15 қишлоқ киритилди ва ушбу қишлоқларни

ободонлаштириш учун қўшимча 137 миллиард 873 миллион сўм маблағ ажратилди.

Давоми 2-бетда ➡

мий масофа 172 километрга етказилди. Таъмирланиши ва янги-дан тортилиши белгиланган электр энергияси тармоғи 135 дан 243 километрга, газ тармоғи 18 дан 144 километрга, ички ва хўжалик лараро йўллар 225 дан 318 километрга етказилди. Иж-

тимой соҳа объектларига яна 34 муассаса қўшилди ва улар сони 72 тага етди.

Ҳозирги кунга қадар ижтимоий

соҳа объектлари бўйича белгиланган вазифалар 99 фоизга, газ таъминоти йўналишида 64, электр энергияси борасида 62, ичимлик суви таъминоти бўйича 32 фоизга бажарилган. Бироқ, тозалаш иншоотлари ва оқова сув хандақлари барпо этиш, уй-жойларни таъмирлаш ва ободонлаштириш, ички ва хўжаликлари йўлларни таъмирлаш борасидаги ишлар суст бормоқда. Масалан, Янгийўл туманининг "Чортоқ" маҳалласида шундай ҳолатни кузатиш мумкин.

Давоми 2-бетда ➡

Ғази Худойқулов,
ЎзА мухбири

Шундай бекиёс имкониятлар палласида ерга меҳрини бериб, дилга масъулият ҳиссини жо қилиб ишламаган фермернинг ютқизиши аниқ. Ернинг умри зое ўтса, халқимиз ризку насибасига путур етгани шу эмасми?

Буни теран англаган вилоятимиз миришкорлари бугдоддан бўшаган майдонларга пешмапеш такрорий экинлар экишни аллақачон бошлаб юборганлар. Табиийки, бу муҳим жараёнда палапартишлик қилиб, таваккалчиликка йўл қўйиб бўлмайди. Чунки, шундоқ ҳам табиат нуқул келган бу мавсумда сув тақчиллиги муаммоси қўндаланг турибди. Шу боис, омилкор деҳқонлар, қилни қирқ ёрадиган фермерлар экинларни жойлаштиришда, энг аввало, табиий омиллар, хусусан, сув таъминотини инобатга олаётганлар.

Вилоят қишлоқ ҳўжалиги бошқармасининг маълумотларига кўра, бу мавсумда туманларимизда 112 минг 868 гектар ерга такрорий экинлар экиш кўзда тутилган. Шундан 39 минг 76 гектари сабзавот ва поллизга ажратилган бўлса, дуккакли ва бошқа экинлар 73 минг 793 гектар майдонга жойлаштирилади.

Биласиз, такрорий экинлар мамлакат озиқ-овқат дастури ижросини таъминлашнинг энг муҳим омил, — дейди бошқарма бўлими бошлиғи Мухаммад-содиқ Умталиев. — Аксарият фермерларимиз аллақачон галлани ўриб-янчиб, оморларга жойлаб бўдилар. Демак, такрорий экинлар учун керагидан ҳам ортиқ майдонлар бўшади. Энди қутишга фурсат йўқ. Чиланинг бир кун тиллага тенг, деб қўйибдилар. Олдимизда, Худо ҳоҳласа, яна 120-130 кун илиқ-иссиқ давр турибди. Бунақа имконият қаерда бор? Шунинг учун заҳматкаш фермерларимизга мурожаат қилиб айтардикки, имкониятдан фойдаланиб қолинг, такрорий экинларни тўғри танлаб, шароитин-
◀ Бошланғич 1-бета

гизга қараб, экиб олишга шошилиш. Бу ҳўжалик аъзолари учун қўшимча даромад бўлиши билан бирга эртага халқимиз фаровонлигини таъминловчи бекиёс омил-ку, ахир. Лекин, негадир айрим фермерларимиз ҳам, соҳа мутасаддилари ҳам буни сабабсиз ортага сураётганлар.

Мутахассиснинг гапларида жон бор. Қуни кеча вилоят ҳўқимлигида бўлиб ўтган йиғилишда ҳам бу мавзу анча муҳокама қилинган сабаб бўлди. "Яхшидир аччиқ ҳақиқат, лек ширин ёлгон ёмон", деганларидек, бу йил вилоятимиз такрорий экинлар экиш бўйича мам-

мош, ловия, соя, маккажўхори, хантал, жавдар кабиларни галладан бўшаган ерларнинг сомонини йиғиштириб олинган, дала-ни енгилгина сугориб, экавериш ҳам мумкин экан. Қатор оралари культиватор ёки чи-

Бу ҳақда вилоят «Ҳўқимлик соати»да гапирилган эди...

зель ёрдамида юмшатиб юборилса — яна яхши... Давлатимиз раҳбарининг ўзи эндиликда унумсиз, паст ҳосил-ли ерларда тўпроқ иқлими ва шароитига мос келувчи сердаромад, серхосил, дунё тажрибасида синовдан ўтган экин ва

риш турлари жуда кўп. Шу ўринда ўзимизга савол бериб кўрайлик: Биз мавжуд имконият ва салоҳият нуқтаи назаридан улاردан каммизми? Йўқ, асло!

Ахир, ҳар бир фасл ўз муддатида келади деган диёримизда бор-йўғи бир марта ҳосил олиш, бу — ўзбек деҳқонига хос эмас. Таъбир жоиз бўлса, уят! Шу боис, олтинга тенг ер майдонларимизда йилга 2-3 марта ҳосил олиш ҳар бир деҳқоннинг халқимиз олдидаги бурчига айланмоғи шарт, деган фикрдамыз.

Бу борада олимларимиз яратган навлар ҳам, ўтказётган тадқиқотлар ҳам кам эмас.



Бироқ, уларнинг аксарият тадқиқотлари, яратган янгиликлар, агротехникага оид билимлари ё маҳаллий мутасаддиларнинг ёки олимларимизнинг ташаббусчилиги боис далагача етиб келмаяпти.

Бўш қолган ер занглаган темирдай гап, — дейди Тошкент туманидаги "Дилшодбек Иброҳим" фермер ҳўжалиги раҳбари Мурод ота Ғофуржонов. — Занглаган темир яроқсиз бўлиб қолгани сингари, уруғ тушмаган ер ҳам ўз кучини йўқотади. Қўп йиллик тажрибадан келиб чиқиб, шунини айтиш мумкинки, сугориладиган ерларда галладан сўнг помидор, бодиринг, сабзи, картошка, турп, шолғом, қовун-тарвуз, лавлагини бемалол етиштириш мумкин. Сув кам

ерларга эса, мош, ловия, нўхат, фасол сингари дуккакли ўсимликларни эккан маъқул. Шунингдек, яхши ҳосил олиш учун экин тури, навиани танлаш ва муддатини билиш муҳим саналади. Сабаби, нотўғри танланган ва кеч экилган экинлар пишиб улгурмай, совуқ тушиши билан нобуд бўлади ёки ҳосилдорлиги камайиб кетади.

Эндиликда сердаромад экинлар, серхосил навлар, энг илгор инновацион гўялар эътиборимиз марказида бўлмоғи лозим, — дейди Оҳангарон тумани "Тараққиёт" фермер ҳўжалиги раҳбари Абдуқодир Нодиров. — Такрорий экин экишда бош мезон натижадорлик, юқори ҳосил ва рентабеллик бўлиши шарт. Лекин, шундай бўлса ҳам, талаб ва эҳтиёжга қараб қадам олишимиз керак. Шу кунларда 35 гектар ерга такрорий экин экяпмиз. Унинг аксар қисмида пиёз етиштирамиз. Биласиз, Оҳангаронда пиёз яхши бўлади. Ҳозир пиёзнинг бозори касодлиги ҳам ҳақиқат. Лекин, вақтида экмасак, унинг нархи эртага нақ осмонга сап-чиди. Оқибатда, халқимизга жабр бўлади. Мош, фасол, нўхат ва ловия ҳам етишти-разимиз. Буларнинг бозори чаққон. Сув масаласига келсак, анча аввал еримизга яқин ҳудудда артезиан қудқ қаздираганимиз, 50 гектар еримизни шу орқали сугориш имкониятимиз бор. Қолганига оқова сувлардан фойдаланамиз. Хуллас, ҳеч қан-дай бахонага ўрин йўқ. Ер халқимизнинг умумий бойлиги. Уни давлат бизга ишониб бериб қўйибди. Ерга хиёнат, элга хиёнатдек гап. Бунини унуттишга ҳақимиз йўқ.

Мана шундай фикрда бўлган фермерларимиз кўпчилигидан хурсандимиз. Назаримизда, бу гаплар биз тилга олган мавзу учун етарли ҳулоса бўла олади.

Эрли НОРИЕВОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири

Реклама ва эълонлар

Тошкент вилоти ҳўқимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 6 мартдаги ПҚ-3589-сонли Қарорига асосан "Тошкент вилоти ҳўқимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти"нинг "Ўзавтотранс агентлиги Тошкент вилоти бошқармаси"га бйраштилиши муносабати билан фаолияти тўхатилганини маълум қилади.

Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она

Дарҳақиқат шундай. Бу ҳикмат замирида жуда чуқур ҳаётий ҳулосалар бор. Зеро, ўсиб келаятган фарзанд жамоатчилик, маҳалла-қўй назоратида бўлса тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Афсуски, ана шу олтин қондага амал қилмаслик, қўпинча воғға етмаганлар орасида жиноятчилик келиб чиқишига сабаб бўлаёттир.

Бағрикенглик

Воғға етмаганлар жавобгарлигининг ўзига хос хусусияти шундаки, уларга жазо тайинлашда ҳар доим енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинади. Бу билан, аввало, халқимизнинг қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг инсонпарварлик принцили яна бир бор

таъкидланади. Зотан, асосий мақсад воғға етмаганларни "тиканли сым" ортидаги ҳаётнинг салбий таъсиридан ило-жи борица сақлашдир.

Оила тарбияси — ҳаёт мактабининг пойдевори ҳисобланади. Бола оиладан нимани олган бўлса, бир умр шунга амал қилади. Шунинг

учун у тарбияланган муҳит ҳам инобатга олинади. Статистик маълумотлар шундан далolat берадики, воғға етмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ва умуман, жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг қўлланиши салбий натижаларни бермоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Президентимизнинг жорий йил 12 июндаги "Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилимишига чин қўнғилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш

тўғрисида"ги Фармони бекиёс аҳамиятга эга. Унга кўра, қўлмишига чин қўнғилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган 226 нафар фуқаро афв этилди. Афв — бу юксак ишонч ифодаси. Юртимизда инсонпарварликка йўғрилган ана шундай амаллар бардавончилигини таъминлаш, хато қилганларга нисбатан кеҳиримли бўлиш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишидир. Бундай бағрикенглик мустақил ҳаёт оstonасида йўлдан адашган ёшларнинг жамиятда муносиб ўрин топишида муҳим мезон бўлиб хизмат қилади.

Шохрух ИСАЕВ,
ИИБ Академияси курсанти

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг

Тошкент вилоти бошқармаси ижро ҳужжатларига асосан мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотини аниқлаш мақсадида энг мақбул савдо ташкилотлари (юридик шахслар)ни очик танловга тақлиф қилади.

1. Умумий шартлар:

Танлов ташкилотчиси Бюронинг Тошкент вилоти бошқармаси.

Барча қатнашчиларга тенг шартларни яратиш, ошқоралик, талабларнинг ягоналиги ва баҳо беришда ҳолислик танлов ўтказишнинг асосий тамойиллари ҳисобланади.

Очиқ танлов ижро ҳужжатлари асосида хатлаиб, аукцион савдолари орқали ёхуд қонунчиликда белгиланган бошқа усулда сотилаётган мол-мулкка нисбатан татбиқ этилмайди.

Танловни ўтказишдан асосий мақсад ҳар бир туман (шаҳар) бўйича ёки алоҳида турдаги мол-мулкларни сотишнинг энг мақбул савдо ташкилотларини аниқлашдан иборат.

Танлов ижро ҳужжатларига асосан, мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотини аниқлаш мақсадида ташкил этилган танлов комиссияси (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) томонидан ўтказилади. Комиссия томонидан танловда қатнашиш учун топширилган ариза ва ҳужжатларни қўриб чиқиш Мажбурий ижро бюроси Тошкент вилоти бошқармасида (Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 2-уй) 2018 йил 5 июлдан ҳар кун соат 10.00 дан 18.00 га қадар амалга оширилади ва танлов натижалари бўйича қўриб чиқиш аниқланади.

2. Танлов шартлари ва қўриб чиқиш мезонлари:

Танловда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган, турғун савдо шаҳобчаси мавжуд юридик шахслар қатнашишлари мумкин.

Қўйидаги юридик шахслар танловда қатнашишга қўйилмайдилар:

қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкрот арасида бўлган; фаолият юритаётганга олти ой бўлмаган; охириг икки йил ичида ижро ҳужжатлари асосида хатланган мол-мулкни сотиш юзасидан тузилган шартнома бўйича мажбу-

риятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги сабабли шартнома бекор қилинган бўлса.

Танловда қўриб чиқишнинг асосий мезонлари:

истеъомчи учун жойлашган ерининг қўлайлигини (вилот ва туман (шаҳар) марказлари, бозорлар ва бошқаларга яқинлиги);

мол-мулкларнинг сақланиши, туркумлини, сортларга ажрати-лиши ва бутланишини таъминловчи жойларнинг (ускуналарнинг) мавжудлиги;

талабгорнинг ҳисобварағидаги мажбуриятлардан қилиб бўлган пул маблағлари;

талабгор томонидан танловга тақлиф этилаётган транспорт ёки бошқа техника воситаси;

қўрсатилган хизмат учун савдо чегирмасининг пастлиги.

3. Танловда иштирок этиш шартлари билан савдо ташкилотини қўйидаги ҳужжатларни тақдим этилади:

Комиссия номига ариза; давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

савдо ташкилотини таъсис ҳужжатлари нусхаси;

савдо дўконига бўлган мулк (ижара) ҳуқуқининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси;

савдо дўконига жойлашган жой тўғрисида маълумот, унинг қис-

қача тавсифномаси ва 10х15 ўлчамадаги рангли фотосуратлари (жойнинг атроф кўриниши, умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилиши керак);

мол-мулкларнинг сақланиши, туркумлини, сортларга ажрати-лиши ва бутланишини таъминловчи жойларнинг (ускуналарнинг) қисқача тавсифномаси, шунингдек, 10х15 ўлчамадаги рангли фотосуратлари (жойнинг умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилиши);

талабгорнинг мажбуриятлардан ҳоли пул маблағлари мавжудлиги тўғрисида банк маълумотномаси;

талабгорга тегишли ҳамда ижро ҳужмати бўйича мол-мулкни сотишда иштирок этиши мумкин бўлган техник савдо ҳолатидаги транспорт ёки бошқа техника воситаларига оид ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар нусхаси ҳамда уларнинг техник тавсифи;

қўрсатилган хизмат учун савдо чегирмаси микдори (10 фоиздан кўп бўлмаган);

савдо ташкилотининг мол-мулкларни реализация қилиш бўйича ҳисобини юритишга мўлжалланган махсус дастурий таъминотни ишлатиш мажбурияти.

Алоҳида турдаги фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома ёки лицензия талаб қилинган ҳолларда, уларнинг нусхаси ҳам тақдим этилади.

Талабгорлар мажбурий Нормда белгиланган баҳолаш мезонларини тасдиқлаш учун зарур бўлган бошқа қўшимча ҳужжатларни тақдим қилишлари мумкин.

Мажбурий Нормда кўрсатилган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигига шубҳа туғилган тақдирда, танлов ўтказишчи белгиланган қўриб чиқиш комиссияси томонидан мажбурий ҳужжатларнинг асли текширилади ва уларнинг асли қайтариб берилади.

Савдо ташкилотини қайси ҳудудда фаолият юритаётган бўлса ёки танлов ўтказиладиган туманга (шаҳарга) яқин жойлашган бўлса, ушбу ҳудуд бўйича ўтказиладиган танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар тақдим қилиши мумкин.

Танловда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатлар Комиссиянинг ишчи органи томонидан қабул қилинади. Тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилишни рад этиш тақдирда, мажбурий Нормнинг 14-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Аризага талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг рўйхати имзо (муҳр)ланган ҳолда илова қилинади.

Дикқат, танлов!

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири, Журналистлар ижодий уюшмаси, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Ўзбекистон уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги, Бадий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мамлакатимиз мустақиллигининг йилгига етти йиллигига бағишлаб "Энг улуг, энг азиз" анъанавий танловини эълон қилади.

Танловга "Азиз ва ягонамансан, жонажон Ўзбекистоним!" деган эзгу гоини ўзида мужассам этган ва 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда "Фаол тадбиркорлик, инновацион гўялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастурининг маъно-мазмунига мувофиқ яратилган, давлатимиз ва жамиятимиз қурилиши тизимини такомиллаштириш, айланиш, халқ билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш, инсон манфаатларини таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишни ёритувчи, тинчлик-осойишталик ва хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш, ташқи сиёсат соҳасида барча узоқ ва яқин давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни жадал ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган кенг қўламли ишларнинг мазмун-моҳиятини ҳаётий мисоллар орқали очиб беришни ижодий асарлар қабул қилинади.

"Энг улуг, энг азиз" танлови қўйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

— ёзувчи ва шoirларнинг бадий асарлари; — босма оммавий ахборот воситалари ходимларининг мақолалари; — оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатига олинган веб-сайтлар ходимларининг журналистик ишлари; — телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари; — тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари; — кино санъати асарлари.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қўйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

— муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот; — муаллифнинг паспорт нусхаси; — иш жойидан тавсиянома; — муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2017 йилнинг 1 августидан 2018 йилнинг 1 августигача бўлган даврда расман чоп этилган адабий-бадий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, намоиш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 3 августигача қабул қилинади.

Танлов қўриб чиқиш Ватанимиз мустақиллигининг йилгига етти йиллик байрами арафасида мукофотлан-дилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади. Ижодий ишлар "Энг улуг, энг азиз" танловига деб кўрсатилган ҳолда қўйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси. Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-11-64.

Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти томонидан 1994 йил 22 августда Маматов Насивали Мамасадикович номига берилган А 000232, рўйхат рақами № 52 бўлган диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

4. Танловга ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш тартиби:


ариза ва ҳужжатлар Мажбурий ижро бюроси Тошкент вилоти бошқармаси бйносиди (Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 2-уй. Тел.: 263-53-07, 263-50-65) Комиссия ишчи органи Бюронинг Тошкент вилоти бошқармаси суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш бўлими томонидан 2018 йил 5 август кунига қабул қилинади.

Аризага илова қилинган ҳужжатлар шахсан, қурьер ёки алоқа бўлими орқали ёпилган конверт билан ушбу ёлснда кўрсатилган манзил бўйича "Ижро ҳужжатлари"га асосан мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотини аниқлаш мақсадида ташкил этилган танлов комиссияси" га деган ёзув билан тақдим қилиниши керак.

Алоқа бўлими орқали юборилган ҳужжатлар ишчи органи уларни рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб келиб тушган ҳисобланади.

Белгиланган муддатда тақдим этилмаган ёки мажбурий эълоннинг 2-банди, 2-хатбошида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, танловга тақдим этилган ҳужжатлар қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Тошкент вилоти бошқармаси танлов ўтказиш комиссияси



Ангрен шаҳрида Тошкент ҳарбий округи таркибидаги қисмларда хизмат қилаётган бир гуруҳ юрт ҳимоячилари оилалари учун янги таъмирдан чиқарилган ётоқхона фойдаланишга топширилди.

Ҳарбийлар хонадониди бахт шукуҳи

Шу муносабат билан ташкил этилган маросимда сўзга чиққанлар аҳолиимизнинг тинч ва осуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган, юксак қобилият ва тайёргарликка эга миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш ҳар бир йигит учун нафақат бурч, балки том маънода шон-шараф ишига айланганини таъкидладилар.

Этиборлиси, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини уй-жой билан таъминлаш, маиший турмуш шароитларини яхшилаш соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг асосий йўналиши бўлиб қолди. Ҳусусан, шу кун 64 нафар ҳарбий хизматчи оиласига замонавий, барча шарт-шароитларга эга ётоқхона қалитларининг тантанали вазиятда топширилгани

ҳам бунинг тасдиғидир.

Қайта таъмирланган ётоқхона ҳудудида бир йўла болалар ўйингоҳи мажмуаси ҳам барпо этилгани ҳарбийлар фарзандларига бир олам қувонч бағишламоқда.

– Бугун оиламиз учун эсда қоларли кун бўлди, – дейди бекалардан бири Еркин Холқилова. – Турмуш ўртоғим шартнома асосида хизмат қиладилар. Мана, оиламиз бошлангли бўлди. Уйимиз ёруғ, шинам. Барча коммунал қулайликларга эга. Очиги, ҳаётимиз ҳарбий соҳа вакили билан боғланганидан бениҳоя мамнунман. Уч фарзандимиз катта бўлапти. Улар ҳам оталари изидан бориб, юртга садоқат билан хизмат қилишларини жуда хоҳлайман.

Маросимда Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондон, генерал-майор Б. Курбонов, Ангрен шаҳар ҳокими Х. Абдулазизов иштирок этди.

Ҳукуматга қарашли бўлмаган "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ҳарбий оилалар аъзолари саломатлигини сақлашга ҳам алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келади.

Тиббий кўрикдан саломатлик сабоғига

Яқинда мазкур жамғарманинг тиббий ижтимоий марказида Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисмларнинг бирида хизмат қилаётган 100 нафардан зиёд ҳарбийлар оилалари учун чуқурлаштирилган тиббий кўрик ташкил этилди.

Ҳарбийлар оилалари аъзолари шу кун замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозланган хоналарда терапевт, лор, педиатр, офтальмолог, гинеколог, эндокринолог, ортопед каби мутахассислар кўригидан, шунингдек, ультратовуш ташхиси, электрокардиография текширувидан ўтишди.

– Этибор қилмабман, кўриш қобилиятим бир оз

сусайиб бораётган экан, – дейди оддий аскар Бекзод Холмуродовнинг турмуш ўртоғи Ситорахон Шохбоева. – Яхшиямки, кўрикка келганим. Вақтида муолажаларни олсам, ҳаммаси жойида бўларкан. Шу боис, тажрибали шифокор Елена Белопованинг тавсиялари асосида муолажаларни олишга қарор қилдим. Ташкилотчилардан беҳад миннатдорман.

Шу кун кўрикка келганлар тажрибали шифокорларнинг тиббий маданият, фарзанд парвариши, соғлом турмуш тарзи қондаларига доир суҳбатларидан баҳраманд бўлишди.

Алишер РАҲМАТОВ

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгашининг навбатдаги Конференцияси бўлиб ўтди. Унда ташкилот мутасаддилари, вилоят ҳокимлиги, адлия бошқармаси, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши вакиллари иштирок этди.

Фаолият сарҳисоби, режалар муҳокамаси

Учрашув давомида ташкилотнинг 2014-2018-йиллардаги фаолияти чуқур таҳлил қилиниб, йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда истиқболдаги вазифалар белгилан олди.

– Қуролли Кучларимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш учун ёшларимиз онгига Ватанни ҳимоя қилиш шарафли бурч эканини янада тарафдор сингдира олсам, мақсадимизга эришган бўлар эдик, – дейди ташкилотнинг вилоят кенгаши раиси Баҳодир Тўйчиев. – Бугунги ҳисобот йиғилишимизда ҳам айнан шу жиҳатларга кўпроқ аҳамият бериб, келгусидagi режаларни тузиб олдик.

Дарҳақиқат, анжуманда таъкидланганидек, сўнгги беш йилда вилоят кенгашидаги қўйи ташкилотларда халқ хўжалиги тармоқлари

учун 53 минг 378 нафар малакали мутахассис тайёрлашга эришилди. Шунингдек, 3 минг 376 нафар ҳайдовчи 30 соатлик дастур бўйича йўл ҳаракати қоидаларига қайта ўқитилди. Бундан ташқари, ёшларни ва фуқароларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Ташкилот тасарруфидаги 3 та мактаб ва 15 та ўқув ва амалий спорт тури марказларида қулай шароитлар яратиш мақсадида обodonлаштириш ва реконструкция ишлари олиб борилди. Ўқув хоналари замонавий компьютер технологиялари билан қайта жиҳозланди.

Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган йиғилишда қўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Эрали НОРБЕКОВ

МУБОРАК САФАР ЗАНГИОТА ЗИЁРАТИДАН БОШЛАНДИ

Ҳар бир мўмин-мусулмоннинг эзгу орауси тавбаруқ Ҳаж ибодатини адо этишдир. Шукрки, ватандошларимиз учун бу муқаддас фарзни адо этиш йўллари йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Эзгулик



Яқин кунларда яна бир гуруҳ юртдошларимиз Ҳажга отланишди. Сўнгги йилларда мана шу сафар ол-

дидан Ислом оламида катта обрў-эътиборга эга бўлган аллома-ларимиз қадамжоларини зиёрат этиш хайр-

ли аънамага айланди.

Катта сафарга отланган вилоятимиз вакиллари ҳам, айтиш жоизки, имон-эътиқодли, меҳр-мурувват, хайр-саховат борасида бошқаларга ибрат бўла оладиган инсонлардир. Вилоят ҳокимлиги, Туризм департаменти билан ҳамкорликда Ҳажга борувчи 154 нафар фуқаронинг Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди. Дастлаб, Зангиота мажмуаси зиёрати, сўнг Самарқанд шаҳридаги қатор тарихий ёдгорликлар, хусусан, Имом Бухорий мажмуаси, Гўри Амир, Шохизинда макбаралари зиёратидан саёҳатчилар таскинвор тўйгуларга ошно бўлишди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов мангу кўним топан манзилда тилловат қилиниб, фотиҳага қўл очилди.

– Бугунги саёҳат таш-

килотчиларидан беҳад миннатдоримиз, – дейди бўқалиқ Солиҳон Эргашев. – Чўқур ҳаяжондаман. Аждодларимиз руҳи гўё мени юксакларга кўтаргандек бўлди.

– Бу саёҳат биз учун катта сафар олдидан ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтади, – дейди бекободлик Бойназар Абдуллаев. – Аввало, Ислом тараққиётига улкан ҳисса қўшган ватандошларимиз қабрини зиёрат қилиш ўзимизни, ўзлгимизни англаш, аждодларимиз билан ифтихор этиш тўйгусини берди. Қолаверса, Ҳажга борувчи дўст-биродарлар билан яқиндан танишиб олди. Яратилган барча қулайликлар учун ташкилотчиларга катта раҳмат, дейимиз.

Сайёра ЭШМАТОВА
Д. АХМЕДОВ
олган сурат

Ижтимоий шериклик

Вилоят "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ҳамда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи кенгаши ўртасида Меморандум имзоланди.

Нурафшон шаҳрида имзоланган мазкур ҳужжатга кўра, икки ташкилот ёшларни катта ҳаётга тайёрлаш, намунали оилаларни шакллантириш, қизлар орасида эрта никоҳни ҳамда оилалардаги низоли ҳолат ва ажримларнинг олдини олиш бўйича ҳамкорлик-

МУСТАҲКАМ ОИЛА – ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

да фаолият юритиш белгиланди.

– Бугунги кунда ёшлар келин-куёвлик ҳақ-хуқуқлари, оила олдидagi бурч ва масъулиятларини яхши билмасликлари ажримларга асосий сабаб бўлмоқда, – дейди Ёшлар иттифоқи кенгаши мутахассиси Қизлархон Урмонова. – Эндilikда марказнинг жойлардаги бўлимлари билан биргаликда оилаларни мустаҳкамлаш борасида тушунтириш ва тарғибот тадбирларини кучайтирамиз.

Тадбир давомида "Соғлом оила – соғлом жамият" госясини ҳаётга татбиқ этиш, оиланинг репродуктив саломатлиги ва демография ривожланиши, фаровонлигини ошириш масалаларини муттасил ўрганиб боришни йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди. Мазкур йўналишлар бўйича услубий тавсиялар иш-лаб чиқиш юзасидан самарали лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олинди.

Зухриддин ҚАМБАРОВ

ҚАЙСИ ПУЛИНГИЗГА ШУНЧА ДАБДАБА?



она, балки ёшлар ҳам мамнун. Ҳеч нарсадан беҳавотир, беҳадик юғриб-елиб хизмат қилиб юрган келинчакнинг чеҳрасида табассум. Қисқаси, ҳаммаси ўзимизга боғлиқ. – Ўн уч йилдан бунён шу вазифада ишлаб келаяпман, – дейди "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рихсиева Собирова. Тушунган одамга қарор ёки йўриқнома шарт эмас. Тўйларни ихчамлаштириш нима учун кераклигини буларсиз ҳам идрок эта олади. Лекин, кўпчиликни қийнаётган бу муаммонинг ечим кўпроқ аёлларимизга боғлиқ бўлиб қолаяпти. Қайнона кели-

керак, дерсиз! Мана, йиғилишда ҳудуддаги "Улфат" тўйхонаси эгаси Зоҳиджон Одиллов ҳам бор. Келинг, у кишининг мулоҳазаларини ҳам тинглаб кўрайлик.

– Ҳозирги тўйларда кўпи билан 200, 150 киши иштирок этапти, – дейди у. – Энг аввало, биз аҳолининг талабига қулоқ туттишимиз керак. Эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, тўйхона нархини белгилангиз. Мизҳозларимиз: "Камҳарж қилиб ҳам тўй ўтказса бўлар экан-ку", деб хурсанд бўлиб кетишяпти.

Тўйхонага бешикдаги боласигача олиб келадиган аёлларга нима дейиш керак? Тўғри, тўй бола-бақра билан. Лекин, катталарнинг олдига у ёқдан бў ёққа юғриб, шовқин солиб юрадиган болаларнинг кейинчалик ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, қўпол қилиб айтганда, эти қотиб кетиши, тарбияга бўй бермаслиги ҳам бор гап-да. Фикримча, тўйхонага тўй эгаларининг яқин-

Оқ йўл!

Янгийўл транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида битирувчиларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

КЕЛАЖАККА ИНТИЛАЁТГАН ЁШЛАР

Ўзлари қизиққан мутахассислик бўйича чуқур билим ва кўникма ҳосил қилган, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда меҳнат фаолиятини бошлаш арафасида турган йигит-қизлар қувончига ота-оналари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари шерик бўлди.

Янгийўл шаҳар ҳокимлиги, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамда Ёшлар иттифоқи ҳудудий вакиллари битирувчиларни табриклаб, мамлакатимизда замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар.

Шунингдек, тадбирда ташаббускор битирувчилар ҳамда ҳулки, одоби, жамоатчилик ишларидаги фаоллиги билан ўрнатган йигит-қизларга фахрий ёрлиқ, уларнинг ота-оналарига эса ташаккурномалар топширилди.



Кези келганда таъкидлаш жоизки, коллежда замонавий ўқув ва моддий-техник база яратилган. Ўқув хоналар зарур техник воситалар, ахборот-коммуникация тизимлари ва дастурий маҳсулотлар билан таъминланган. Мазкур ўқув йилида ушбу таълим даргоҳини битираётган 264 нафар йигит-қизга 6 та мутахассислик бўйича коллеж дипломлари берилди.

– Битирувчиларимиз бандлигини таъминлаш мақсадида тўрт томонлама шартномалар расмийлаштирилди, – дейди коллеж директори Маъруфжон Калонхонов. – Шунга кўра, 201 нафар ўғил-қиз ўз иш жойига эга бўлди. Қолган битирувчиларимиз олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттириш истагини билдирди.

Ўз мухбиримиз
Д. АХМЕДОВ олган сурат

ларидан ташқари узоқ-яқин, танишибилиш, шунингдек, ёш болаларнинг келиши жоиз эмас...

– Тўғри, мен ҳам шу фикрдаман, – дейди "Парвоз" маҳалласи раиси Мансур Аҳмедов. – "Айтаверсанг бети қотар", деганларидек, шунча гаплардан кейин ҳам, келиннинг сепи, мебелига кўз тикиб ўтирадиган қайноналар учраб турибди. Агар бунга ўзимиз, маҳал-

ла фаоллари биргаликда қарши курашмасак, "Эл-юрт нима дейди?" "Бошқалардан қаеримиз кам?" деган қарашлар тугамайди. Оқибатда ёш оилалар арзимаган бахоналар билан ажрашиб кетаверади.

– Шукрки, бизнинг "Янгийўл" маҳалламизда бундай нохуш ҳолатлар учрамайди, – дейди "Қайноналар кенгаши" раиси Гўзал Тошматова. – Оиласидан ажрашганлар йўқ. Ҳар бир тўй фуқаролар йиғини билан басмалаҳат ўтказилади. Мана, ўтган йили Сайёрахон ихчамгина тўй қилиб, қиз чиқарди. Яқинда неварали бўлди. Ўқиган, тушунган оилаларда ҳамма нарсаси ҳисоб-китобли. "Дангиллатиб бешик тўйи қиламан", деб керилмади. Бу қудаларнинг ўзаро аҳилигидан, аслида.

– Тўйларимизнинг ихчамлаштирилганини, камҳаржлик, кам таъминланганликдан деб тушунмаслик керак, – дейди "Обод" маҳалласи раиси Йўлдош Абдурахмонов. – Туманимизда давлатманд тадбиркорлар, ишбилармонлар кўп. Ахир, бели оғриб пул топанлар уни беҳудада соғурмайди, ундан кўра, эҳтиёжманд оилаларга ёрдам беради ёки ўз масканини обод қилишга ҳисса қўшади... Дангиллатиб тўй қилаётганлар бу дабдабозликни қайси пулларига қилишяпти. Шулар ҳам бир суриштириб кўрилса, чакки бўлмасди.

Демак, қибрайликларда тўйларни ортиқча дабдабасиз, ихчамлаштирилган ҳолда ўтказишга рағбат ҳам, ҳаракат ҳам бор. Йиққан-терганимизни фақат тўйларга эмас, ўз соғлигимизни тиклашга, дам олиш, сайру саёҳат қилишга сарфласак яхши эмасми, дейишяпти улар.

Сайёра РИХСИБЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг
чоршанба ва
шанба кунлари
чиқади.

12 598 нусхада
чоғ этилди

Қабулхона:

Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:

Бўлим муҳаррирлари
Шартнома ва эълонлар:

Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

233-58-85 (факс)

233-70-10

233-12-83

233-38-23, 233-48-08

233-65-59

233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011
йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида тарғиб ва
оператор Т. Маҳмуджонов
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир

Бехзод ҚОБУЛОВ

Навбатчи

Эрали НОРБЕКОВ

Назоратчи мусаввиф

Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА